

Мундарижа

Нигоҳ		
Равшан ИСАЕВ. Тўқимачилик саноатини барқарор ривожлантириш муаммоларини ҳал этишда асосий стратегик ёндашувлар	3	
Тажриба		
Ойбек МАМАНАЗАРОВ, Дурдона ИНОЯТОВА, Равшан ХАЛИЛОВ. Қурилишда аутсорсингдан фойдаланиш	7	
Интеграция		
Жасурбек АТАНИЯЗОВ, Набиддин МАННОНОВ. Тижорат банклари ва корхоналарнинг интеграциялашувини кучайтириш	10	
Малака		
Наргиза МУМИНОВА. Тўқимачилик корхоналарида миллий рейтингни аниқлаш методологияси	14	
Тадиққот		
Салимбек ХОЛМУРАТОВ. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети даромадлари ва харajatлари таҳмили	18	
Кластер		
Гулчехра ХААМАТЖАНОВА. Минтақавий агросаноат кластерларини ривожлантиришнинг хорижий моделлари	21	
Тараққиёт		
Туйгул ҚОДИРОВ, Барно КЕНЖАЕВА. Шаҳар жамоат транспортида рақамли технологиядан фойдаланишнинг асосий йўналишлари	24	
Ислоҳот		
Илҳом ОЧИЛОВ, Норали ХОЛМАТОВ. Ўзбекистон иқтисодиётида логистика хизматлари ва маҳсулотлар экспорти самарадорлиги	27	
Янгича ёндашув		
Наргиза ИСАЕВА. Инновацион усуллар асосида тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш йўллари	31	
Саноат		
Нозима ГИЯЗОВА. Диагностика асосида тўқимачилик корхоналарида барқарор ривожланиш даражасини ҳисоблаш усулини такомиллаштириш	34	
Иқтисодиёт		
Азизжон ҚАҲҚОРОВ. Давлат активларини хусусийлаштириш методологияси ва уларнинг қийматини аниқлаш жараёнини тўғри ташкил этиш масалалари	37	
Янги технологиялар		
Абдувавлон ЗОКИРОВ. Замонавий ёндашувлар асосида тўқимачилик корхоналарида стратегик режалаштиришни такомиллаштириш	43	
Жараён		
Саломат НОРОВА. Рақамли иқтисодиёт шароитида минтақада иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятларини баҳолаш	46	
Ижтимоий ҳимоя		
Шерзод РАББИМҚУЛОВ. Инвестиция лойиҳалари самарали ишлашда бизнес режанинг аҳамияти	50	
Сифат ва самара		
Нилуфар ЭРНАЗАРОВА. Камбағалликни қисқартириш ва оилавий тадбиркорликни ривожланишига таъсир этувчи омиллар	54	
Нуқтаи назар		
Нафисахон ТОЖИБОЕВА. Пахта тозалаш корхоналари ходимларини ривожлантириш стратегиясининг ташкилий-иқтисодий моделини яратиш	58	

Маркетинг

Шерзод ХАЙИТОВ. Тўқимачилик саноати корхоналарининг барқарор ривожланиш механизмини шакллантириш услубини ишлаб чиқиш

61

Жамият

Бахтиёр БОРАТОВ. Тўқимачилик корхоналарида мукамаллашган модель ишлаш алгоритмининг яратиш

64

Инвестиция

Соҳибжон ТЎРАБЕКОВ. Туризм хизматларининг моҳияти ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнларни жадаллаштиришда тутган ўрни

67

Ишлаб чиқариш

Собир ЮЛДОШЕВ. Нефть-газ саноатини ривожлантиришда инвестицияларнинг аҳамияти

73

Тажриба ва самара

Олимжон ЖУМАЕВ. Корхоналарда “Direct-marketing” стратегиясидан фойдаланиш

76

Амалиёт

Жавлонбек БУТАЕВ. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини амалга оширишнинг ҳудудий кўрсаткичлари таҳлили ва натижалар

79

Бандалик

Қудрат ДИАМОНОВ. Хизмат кўрсатиш соҳасида ўзини ўзи банд қилишнинг аҳоли турмуш даражасига таъсири

83

Таққос

Наргиза САМАДОВА. Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳияти тушунчаси ва унинг назарий асослари

87

Мудоҳаза

Шавкат БОЛТАЕВ. “Тежамкорлик самарадорлик-манфаатдорлик-фаровонлик” моделининг тузилиши ва аҳамияти

91

Содержание

Управление персоналом

Тоҳир ЭРМАТОВ, Самад МАЪМУРОВ. Проблемы мотивации в управлении персоналом

95

Информационные технологии

Алишер ФАЗИЛОВ, Маъруф КУЧИМОВ. Разработка математической модели информационной системы обработки данных

98

Бухгалтерский учет

Абубакр МУХАМЕТОВ, Саида МАМАЖОНОВА, Олим УМАРАЛИЕВ. Учет переоценки основных средств по МСФО

103

Окружающая среда

Нодирахон ХОДЖАЕВА, Малохат БУРИХОДЖАЕВА, Ровшан ФАЙЗИЕВ. Современное состояние системы экологического мониторинга в Республике Узбекистан

107

Международная торговля

Наргиза УМАРОВА, Дианола ОДИЛОВА, Камрон КАРИМОВ. Экономическая, торговая политика и будущие тенденции сотрудничества стран ВРЭП

112

Занятость населения

Елена АХУНОВА. Экономическая сущность и демографические показатели развития домашних хозяйств в Республике Узбекистан

116

ТАҲРИР КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ
ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | ПРЕДСЕДАТЕЛЬ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА
Фармонкул ЭГАМБЕРДИЕВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Қаландар АБДУРАҲМОНОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

ТАҲРИР КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ | ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОГО СОВЕТА

Z. Kliment LAZARASHVILI (Климент ЛАЗАРАШВИЛИ), MBA, JD, PhD.

Georgian international University президенти (АҚШ)

Президент Georgian international University (США)

Gerhard FELDMAYER (Герхард ФЕЛДМАЙЕР)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Германия)
доктор экономических наук, профессор (Германия)

Masato HIWATARI (Масато ХИВАТАРИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Япония)
доктор экономических наук, профессор (Япония)

Sung Dong KI (Сунг Донг КИ)

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Корея Республикаси)
доктор экономических наук, профессор (Республика Корея)

Нагмет АИМБЕТОВ

ЎзР ФА академиги, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
академик АН РУз., доктор экономических наук, профессор

Юрий ОДЕГОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор (Россия)
доктор экономических наук, профессор (Россия)

Игорь БУТИКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Мухиддин КАЛОНОВ

иқтисодиёт фанлари доктори,
доктор экономических наук

Абдурашид ҚОДИРОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Адҳам БЕКМУРОДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Мухиддин ПЎЛАТОВ

иқтисодиёт фанлари доктори
доктор экономических наук

Дурбек АХМЕДОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Бахтиёр ИСЛОМОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

Баҳодир УМУРЗАКОВ

иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
доктор экономических наук, профессор

УЎТ: 330.34

“Тежамкорлик самарадорлик-манфаатдорлик-фаровонлик” моделининг тузилиши ва аҳамияти Структура и значение модели «Бережливость эффективность-интерес-процветание» Structure and significance of the “Frugality prosperity- efficaciousness-advantageousness” model

Шавкат БОЛТАЕВ,
 Бухоро Давлат университети мустақил изланувчиси.

Аннотация

Мақолада тежамкорликнинг аҳамияти, “Тежамкорлик СМФ” (СМФ-самарадорлик-манфаатдорлик-фаровонлик) моделининг тузилиши, ундан фойдаланиши йўллари қараб чиқилган. Бунда моделга киритилган жараёнлар ва категориялар, уларни ифодаловчи кўрсаткичлар, шу кўрсаткичларни аниқлаш йўллари ҳамда уларнинг бир-бири билан ўзаро алоқадорлиги кўрсатиб берилган.

В статье рассматривается значение понятия «бережливость», структура модели “Бережливость ЭИП” (Бережливость-эффективность-интерес-процветание) и пути использования данной модели. Кроме этого, описаны процессы и категории, входящие в модель, показатели, определяющие их значение, пути определения показателей и их взаимосвязь.

The paper addresses the significance of frugality, the structure and implementation of the “Frugality PEA (Prosperity, efficaciousness, advantageousness)” model. It explains the processes and categories included in the model, the metrics they represent and the ways it can be approached in classifications and its interrelationship.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида тадбиркорликни ривожлантиришга яна бир бор катта аҳамият қаратди. “Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одам-

ларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади”¹, деб таъкидлади. Тадбиркорликнинг асосий мақсадларидан бири – ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, иш бажариш соҳаларида кўпроқ фойда олиб, ўзининг ва аҳолининг манфаатларини қондиришга қаратилган. Аммо, фойда ўз-ўзидан ҳосил бўлиб қолмайди. Улардан бири ва энг муҳими, мавжуд маблағларни тажаб-тергаб ишлатишга қаратилиши лозим. Бундай тежамкорлик, ички имкониятларни ишга солган ҳолда ҳақиқий фойдани таъминлайди.

Калит сўзлар: тежамкорлик, самарадорлик, манфаат, харажатлар, даромадлар, фаровонлик, аҳолининг яшаш даражаси, аҳолининг яшаш сифати, камбағаллик, тадбиркорлик.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномаси.// “Халқ сўзи” газетаси. 2020 йил 25 январь. 19-сон. 1-4 бетлар.

Республикамизда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳасининг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва роли йилдан йилга ошиб бормоқда. Буни мамлакатимиз миқёсида кўрсатилаётган хизматлар ҳажми мисолида ҳам кўриш мумкин. Мустақиллик йилларида иқтисодиётни эркинлаштириш ва жамиятни модернизациялашга қаратилган ислохотлар, мамлакат иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришларга ва нодавлат мулкига асосланган хусусий секторнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Уларнинг асосий қисми хизмат соҳасига тўғри келмоқда. Жумладан, 2010 йил мамлакатимизда кўрсатилган хизматлар ҳажми 27126,8 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич қарийб 5,6 баробарга ошиб 150889,8 млрд. сўмни ташкил қилди². Ўзбекистон Республикаси бўйича хизмат кўрсатиш ҳажми аҳоли жон бошига 2010 йилда 949,7 минг сўмдан, 2018 йилга бу кўрсаткич қарийб беш баробарга ошиб 4578,5 минг сўмни ташкил қилган³. Ҳудди шундай ҳолат мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳам рўй берган. Лўнда қилиб айтиладиган бўлса, хизмат кўрсатиш соҳаси мамлакат иқтисодиётининг келажагини таъминловчи муҳим омиллардан бири бўлиб қолади. Ҳатто экспортнинг ҳам аксарият қисми аста-секинлик билан хизмат кўрсатиш эвазига амалга оширилади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг муҳимлигини яна шундан ҳам англаш мумкинки, сўнгги йилларда уни ривожлантириш ва тежамкорликка эришиш асосида соҳанинг самарадорлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукуматининг қатор фармон ва қарорлари эълон қилинди. Булар жумласига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дасури тўғрисида”ги 55-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида ҳам мамлакатимизда инновацион иқтисоднинг ривожланиши, тежамкорлик тамойилига амал қилиш бўйича бир қанча вазифаларни белгилаб берди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрда “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони, 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3832-сон қарори, 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-4022-сонли қарори, 2018 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари эълон қилинди. Мазкур фармонлар, қарорлар ва улар юзасидан қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хизмат кўрсатиш соҳасини инновацион ривожлантиришда ва тежамкорлик асосида самарадорлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудлари бўйича аниқ дастурларни ишлаб чиқишда асос бўлиб келмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида олдимизда турган муҳим вазифалардан бири юртимизда камбағалликни тугатиш эканлигига алоҳида аҳамият қаратди. Бунинг учун ҳам одамлар руҳиятида тадбиркорлик руҳини уйғотиш лозим эканлигини қайд этди. Мурожаатномада: “Камбағалликни камайтириш – бу аҳолида тадбиркорлик руҳини уйғотиш, инсоннинг ички куч-қуввати ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариш, янги иш ўринлари яратиш бўйича комплекс иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, демакдир”⁴, деб уқтирди. Кўриниб турибдики, тадбиркорликнинг ривожланиши мамлакатимизда жуда кўп иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилади. Буларга:

- янги иш ўринларини яратиш ва бандлик муаммосини ҳал қилиш;
- кўпроқ фойда олиб, ўзининг соҳасини янада ривожлантириш имкониятини кенгайтириш;
- кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва иш бажаришга эришиш;
- аҳолининг фаровонлиги, яшаш даражаси ва сифатини ошириш.

Аммо ушбу тадбирлар ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. Буларнинг ҳаммасини кўзда тутадиган ва шу ишларнинг урдасидан чиқа оладиган кишигина тадбиркор бўла олади. Ушбу ҳолатни инобатга

² www.stat.uz маълумотлари.

³ www.stat.uz маълумотлари.

⁴ Ўша жойда. – 3 бет.

олиб Президентимиз ўзининг Мурожаатномасида “...ҳамма ҳам тадбиркор бўла олмайди. Шу сабабли бундай одамлар билан тизимли иш олиб бориб, уларни касбга қайта тайёрлаш орқали уларни муносиб иш жойи билан таъминлаш лозим”⁵, деб таъкидлади. Аммо тадбиркор тадбиркорлиги орқасидан, оддий кишилар ўз касби орқасидан яхшигина даромад топиб, фаровон яшашликлари лозим. Ушбу талаб унисидан ҳам, бунисидан ҳам тежамкор бўлишликни талаб қилади. Шу нуқтаи назаридан тежамкорлик иккита йўналишга эга бўлади (1-чизма).




1-чизма. Тежамкорликнинг асосий йўналишлари⁶.

Чизмадан кўриниб турибдики, тежамкорлик фақат бирор нарсани яратишда, яъни ишлаб чиқаришда (хизмат кўрсатиш, иш бажаришда) эмас,

балки уларни истеъмол қилишда ҳам, яшашнинг бошқа жиҳатларида ҳам керак бўлади. Шу туфайли тежамкорлик масаласига алоҳида аҳамият бериб, унинг назарий ва амалий жиҳатларини бугунги кун талабидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ.

Бугунги кунда тежамкорлик масаласининг долзарблиги яққол кўриниб қолди. Биргина мисол: яқин йилларга мўлжалланган режадаги белгиланган мева ва сабзавот маҳсулотларини етиштириш учун анча ҳажмдаги сув керак бўлади. Аммо бизда бундай неъмат етарли даражада эмаслиги ҳеч кимга сир эмас. Трансчегаравий дарёларимизда келаётган сувларимиз барча эҳтиёжларимизни қондиришга камлик қилмоқда. Эртага аҳолининг муттасил кўпайиб бориши, суғориладиган майдонларнинг ҳам кўпайишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, қўшимча сув захираларини талаб қилади. Шу боис мазкур масалада катта тежамкорликни талаб қилади. Бу, ўз навбатида, тежамкорлик тартибини ўрнатмаса, сув муаммосини ҳал қилиш йилдан йилга анча мураккаблашиб бораверади.

Юқоридаги битта мисолдан ҳам кўриниб турибдики, тежамкорлик масаласи олдин ҳам дол-



Бунда:

- Тэф – тежамкорлик натижасида эришилган фойда;
- Хх – жорий даврдаги ҳақиқий харажатлар;
- Хр – жорий даврдаги режалаштирилган харажатлар;
- Са – ҳақиқий харажатларнинг тежамкорлик эвазига самарадорлиги;
- Ма – ходимлар (Хс) ёки аҳолининг (Ах) тежамкорликдан манфаатдорлиги;
- Фа – тежамкорликнинг фаровонликни таъминлаш даражаси;
- Ах – аҳолининг сони.

2-чизма. “Тежамкорлик СМФ” моделининг тузилиши⁷.

⁵ Ўша жойда. – 3 бет.

⁶ Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

⁷ Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

зарб бўлиб келган, бугун ҳам долзарб, ушбу масала келажақда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмайди. Масаланинг долзарблигидан келиб чиқиб, биз тадқиқот жараёнида “Тежамкорлик СМФ” моделини ишлаб чиқдик. Ушбу модел тежамкорликка эриши орқали, унинг пировард мақсади фаровонликни таъминлашга қаратилган. Зеро, тежалган маблағ самарадорликка олиб келади. Бу, ўз навбатида, манфатдорликни таъминлайди. Шу асосда фаровонлик ҳам таъминланади. “Тежамкорлик СМФ” моделининг ўзаро боғлиқлигини қуйидагича тасвирлаш

мумкин (1-чизма).

Тежамкорлик натижасида ортирилган фойда суммаси барча имкониятларни амалга ошириш учун асос бўлади. Ушбу кўрсаткич битта корхонада унчалик катта бўлмаслиги мумкин, аммо у жамият миқёсида жуда катта самарадорликка эга бўлади. Барча куч ва имкониятлар бирлашиб синергетик самарадорликни (кучларни бир мақсад сари йўналтириш) ташкил қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Аванесова Г.А. Сервисная деятельность: Историческая и современная практика, предпринимательство, менеджмент: учебное пособие / Г.А. Аванесова. – М.: Аспект Пресс, 2006 г. – 320 с;
2. Басс А.Я., Разомасова Е.А. Сфера услуг и предпринимательство в экономическом развитии // ЭКО. – 2009 г. - № 2. – С. 75-85.
3. Балаева А. Управление мощностью организации сферы услуг: проблемы и решения // Проблемы теории и практики управления. – 2008 г. - № 3. – С. 77-90.
4. Гордин, В.Э. Менеджмент в сфере услуг. / В.Э. Гордин, М.Д. Сущинская. - М.: Бизнес-пресса, 2015 г. - 272 с.
5. Павленко В.В. Защита прав потребителей в сфере торговли и услуг. Практическое пособие: моногр. / В.В. Павленко. - М.: КноРус, 2014 г. - 552 с.
6. Скрынникова И.А. Маркетинг в сфере услуг / И.А. Скрынникова. - Москва: Огни, 2015 г. - 208 с.
7. Скрынникова И.А. Маркетинг в сфере услуг: Учебное пособие / И.А. Скрынникова. - М.: Моск. ун-та, 2012. - 203 с.;
8. Диянова, С.Н. Маркетинг сферы услуг: Учебное пособие / С.Н. Диянова, А.Э. Штезель.. - М.: Магистр, НИЦ ИНФРА-М, 2012 г. - 192 с.
9. Сфера услуг: менеджмент: учебное пособие / кол. авт.; под ред. Т.А. Бурменко. – М.: КНОРУС, 2007 г. – 416 с.
10. Демидова Л. Глобализация экономики услуг: динамика и основные тенденции // Проблемы теории и практики управления. - 2005 г. №5.